

Кредитнинг тўлиқ қиймати
- ___% (фоиз ҳарфлар
билин ёзилади)

ИККИЛАМЧИ БОЗОРДА УЙ-ЖОЙ ХАРИД ҚИЛИШ УЧУН ИПОТЕКА КРЕДИТИНИ ТАҚДИМ ҚИЛИШ ТҮҒРИСИДА ___-_____ -СОНЛИ ШАРТНОМА

Тошкент ш.

“___” ____ 20 ____ й.

“Tenge Bank” Акциядорлик тижорат банки, бундан буён матнда – “Банк” деб юритилади, 20 ___ йил «___» _____ даги «___»-сонли Ваколатнома асосида фаолият юритувчи _____ номидан бир томондан ва фуқаро _____, бундан буён матнда – “Қарз оловчичи” деб юритилади, иккинчи томондан, биргаликда эса – “Тарафлар” деб юритилади, қуйидагилар түғрисида мазкур Кредит шартномасини (бундан буён матнда – “Шартнома”) туздилар:

1. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

- 1.1. Мазкур Шартнома матнида учрайдиган барча атамалар, агар матнда бошқача маънога эга бўлмаса, ушбу бўлимда келтирилган маъноларни англатади:
 - 1.1.1. **Ипотека кредити** – жисмоний шахсга (Қарз оловчига) иккиламчи бозордан кўп квартирали турагина квартира харид қилиш учун бериладиган узок муддатли кредит.
 - 1.1.2. **Ипотека кредити обьекти** – Банкнинг кредит маблағлари ҳисобидан харид қилинадиган иккиламчи бозордан кўп квартирали турагина квартира.
 - 1.1.3. **Бошланғич бадал** – Қарз оловчичи томонидан Банк ҳисобварағига ўтказилган ва харид қилинадиган ипотека кредити обьектининг қисман тўлови ҳисобланган пул маблағлари;
 - 1.1.4. **Қарз оловчичи** – Банк билан тузилган мазкур Шартнома доирасида иккиламчи бозордан кўп квартирали турагина квартира харид қилиш учун ипотека кредитини олган ва тўлов қобилияти юзасидан верификациядан ўтган жисмоний шахс;
 - 1.1.5. **Тўлов қобилияти** – Қарз оловчининг жами даромадлари таҳлили асосида белгиланган кредит шартномаси бўйича ўз тўлов мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажариш қобилияти;
 - 1.1.6. **Тўлов мажбуриятлари** – Қарз оловчининг кредит шартномаси бўйича қарзларни, унга ҳисоблаб ёзилган фоизларни ва бошқа тўловларни (ипотека кредитини расмийлаштириш бўйича харажатларни) мазкур Шартномада белгиланган суммада ва муддатларда сўндириш мажбуриятлари;
 - 1.1.7. **Сотувчи** – Олди-сотди шартномасига асосан иккиламчи бозорда кўп квартирали турагина квартира (бундан буён матнда – “уй-жой”) эгаси ҳисобланган жисмоний шахс;
 - 1.1.8. **Кредит таъминоти** – мазкур Шартнома шартларига асосан Банкнинг кредит маблағлари ҳисобидан харид қилинадиган уй-жой (кўчмас мулк);
 - 1.1.9. **Кредитни тақдим қилиш санаси** – Банк томонидан Қарз оловчининг ссуда ҳисобварағидан Сотувчининг банк ҳисобварағига пул маблағлари ўтказилган сана.

2. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 2.1. Банк Қарз оловчига иккиламчи бозордан кўп квартирали турагина квартира (бундан буён матнда – “уй-жой”) харид қилиш мақсадида ипотека кредитини (бундан буён матнда – “кредит”) тақдим қиласи, Қарз оловчичи эса Банкка мазкур Шартнома шартларида олинган кредитни қайташи, кредитдан фойдаланилганлик учун фоизларни тўлаш мажбуриятини олади.

3. КРЕДИТНИ ТАҚДИМ ҚИЛИШ ШАРТЛАРИ

3.1. Кредит қуидаги шартларда тақдим қилинади:

3.1.1. Харид қилинадиган уй-жойнинг умумий нархи: _____ (суммаси ҳарфлар билан ёзилади _____ сўм ____ тийин) сўм;

3.1.2. Кредит суммаси: _____ (суммаси ҳарфлар билан ёзилади _____ сўм ____ тийин) сўм;

3.1.3. Бошлангич бадал – харид қилинадиган уй-жой умумий нархининг ____ % миқдори, бу _____ (суммаси ҳарфлар билан ёзилади _____ сўм ____ тийин) сўмни ташкил этади;

3.1.4. Кредит мақсади ва обьекти: _____ билан тузилган 20 ____ йил «____» _____ даги «____»-сонли шартномага асосан, иккиламчи бозордан Тошкент ш., _____ манзили бўйича жойлашган кўп квартирали туар-жойда квартира харид қилиш;

3.1.5. Кредитлаш муддати: ____ ой;

3.1.6. Сўнгги транши сўндириш санаси: 20 ____ йил «____» _____ гача;

3.1.7. Кредит қарзларини сўндириш жадвалини ҳисоблаш усули: _____ тўловлар орқали.

3.2. Кредит бўйича тўловлар:

3.2.1. Фоиз ставкалари:

а) асосий қарз қолдиги учун – **йиллик ____%**;

б) асосий қарзнинг тўлов муддати кечикирилган қисми учун – **йиллик ____%**.

3.3. Қарз олувчи томонидан олинган кредитни ҳисобга қўйиш учун Банк Қарз олувчига тегишли ҳисобвараклар очади.

3.4. Кредит маблағлари Қарз олувчи томонидан Банкка қуидаги хужжатлар тақдим қилинганидан сўнг 3 (уч) иш куни мобайнида _____ (банкида) очилган Сотувчининг (жисмоний шахс) банк ҳисобварағига (ёки _____ (банкида) эмиссия қилинган -рақамли “ПК” пластик картасига) ўтказилади:

- уй-жойни олди-сотди шартномасининг нотариал тасдиқланган асл нусхаси (банк ходимлари томонидан асл хужжатдан нусха кўчирилади);
- нотариал расмийлаштирилган гаров (ипотека) шартномасининг асл нусхаси;
- гаров (ипотека) предметини суғурталаш полисининг асл нусхаси, бунда Банк наф олувчи сифатида кўрсатилади;
- Қарз олувчининг уй-жойга мулкий эгалик ҳуқуқини белгилайдиган хужжатлар.

3.5. Белгиланган тартибда тўлиқ расмийлаштирилганидан сўнг Банкда очилган Қарз олувчининг ссуда ҳисобварағидан пул маблағлари Сотувчининг ҳисобварағига ўтказилган ва мазкур Шартноманинг 5-бўлимига мувофиқ кредит қайтарилишини, тўлов қобилиятини, қайтариш кафолатлари ишончлилигини ва мазкур Шартнома бўйича бошқа шартлар бажарилишини белгилайдиган хужжат Банк томонидан олинган пайтдан эътиборан кредит тақдим қилинган ҳисобланади ҳамда Қарз олувчи томонидан бутун қарз суммаси ва кредит бўйича барча турлардаги ҳисоблаб ёзилган фоизлар сўндирилган кун – кредит қайтарилиган ҳисобланади.

3.6. Кредитдан фойдаланилганлик учун фоизлар кредит тақдим қилинган кундан эътиборан кредит тўлиқ сўндирилгунгача ҳар куни иш куни охирида ссуда қарзи қолдиғига ва ҳар бир ойдаги ҳақиқий кунлар сонига ҳисоблаб ёзилади.

4. КРЕДИТНИ СЎНДИРИШ ШАРТЛАРИ

4.1. Қарз олувчи томонидан асосий қарз қисмини, у бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизлар суммасини ва мазкур Шартнома бўйича бошқа тўловларни ўз ичига оладиган ҳар ойлик тўловларнинг тўланиши Қарз олувчи томонидан ёки унинг ваколат берилган шахси томонидан Банк оғисларининг исталган бирида, шунингдек мобил иловалар, тўлов

терминаллари (инфокиоскалар), тўлов тизимлари (Click, Payme ва х.к.) орқали, банк кассаси ёки бошқа банклар кассалари орқали банк ўтказмалари орқали ёхуд Банк томонидан Банкда очилган Қарз олувчининг барча ҳисобварақларидан тегишли суммани чегириб олиш орқали амалга оширилиши мумкин.

4.2. Кредит бўйича фоизлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига асосан ҳар куни асосий қарз қолдигига ҳисоблаб ёзилади. Фоизлар ҳисоблаб ёзилиши учун йилига 365 кун ҳисоб-китоби асосидаги усулдан фойдаланилади. Қарз олувчи кредит бўйича асосий қарз суммасини ва у бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизларни мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 1-сонли Иловада келтирилган Кредитни сўндириш жадвалига асосан белгиланган миқдорларда ва муддатларда сўндириш мажбуриятини олади. Бунда, 1-сонли Иловадаги Кредитни сўндириш жадвалида белгиланган кредит учун тўловга ҳар ойлик тартибида ҳисоблаб ёзилган фоизлар суммаси якуний ҳисобланмайди ва кредитнинг амалда берилган санасига, асосий қарзни муддатдан олдин сўндириш ёки қисман сўндириш суммасига, дам олиш / иш куни бўлмаган ва байрам кунларига боғлик бўлади.

4.3. Мазкур Кредит шартномаси бўйича қарзларни қисман муддатдан олдин сўндириш Кредит шартномаси бўйича Қарз олувчининг тўловлари миқдори, ҳажмини ва даврийлигини (муддатларини) белгилаш тартибининг ўзгаришига олиб келмайди.

4.4. Мазкур Кредит шартномаси бўйича қарзлар қисман муддатдан олдин сўндирилган ҳолатда, асосий қарзниң қолдиқ суммаси қисман муддатдан олдин сўндирилган сумма чегириб олинган ҳолда камаяди, бунда ҳар ойлик тўлов асосий қарз бўйича қисман сўндириш суммасига камайтирилади, фоизлар мазкур Шартноманинг 4.2-бандига асосан ҳисоблаб чиқлади, Кредит тақдим қилинган муддат эса ўзгартирилмайди.

4.5. Агар мазкур Шартномага 1-сонли Илова ҳисобланган Кредитни сўндириш жадвалида назарда тутилган асосий қарзни ва ҳисоблаб ёзилган фоизларни (ёки унинг бир қисмини) сўндириш санаси банк иш куни бўлмаса, бундай ҳолатда сўндириш иш куни бўлмаган кундан кейинги биринчи иш кунига ўтказилади / ҳар ойлик тўлов ва иш куни бўлмаган кунлар сони ҳажмида амалга оширилади.

4.6. Агар Қарз олувчи кредит бўйича асосий қарз сўндирилишини мазкур Шартномага 1-сонли Иловада назарда тутилган санада амалга оширмаса, Қарз олувчи Банкка мазкур Шартноманинг 3.2.1-бандига асосан юқори ставка бўйича ҳар бир тўлов муддати кечикирилган кун учун фоизлар тўлайди. Бунда, кредит бўйича қарзни ундирув тўғрисида суд қарори чиқарилган ҳолатда, кредитнинг тўлов муддати кечикирилган қисми учун юқори ставка бўйича фоизлар ҳисоблаб ёзилиши тўхтатилади.

4.7. Қарз олувчининг тегишли ҳисобварақларида Қарз олувчининг қарзларини сўндириш учун керакли пул маблағлари суммаси бўлмаган ҳолатда, тўланадиган сумма: кредит бўйича асосий қарз ва унга ҳисоблаб ёзилган фоизлар тўланадиган сумма, етарли бўлмаган пул маблағлари суммаси қисми тўлов муддати кечикирилган ҳисобланади. Кредит мажбуриятларини бажариш учун тўлов миқдори етарлича бўлмаган ҳолатда, банкдаги пул маблағлари ва/ёки Қарз олувчининг ҳар қандай ҳисобварақларидағи ва/ёки бошқа Банклардаги мавжуд ҳисобварақлардаги пул маблағлари Кредит шартномалари бўйича мажбуриятлар сўндирилишига куйидаги тартибда ўтказилади / ундириб олинади:

- 1) асосий қарз бўйича муддати ўтган қарздорлик ва муддати ўтган фоиз тўловлари мутаносиб равишда;
- 2) жорий давр учун ҳисобланган фоизлар ва жорий давр учун асосий қарз бўйича қарздорлик;
- 3) неустойка (жарима, пеня);
- 4) кредиторнинг қарздорликни узиш билан боғлик бўлган бошқа харажатлари.

4.8. Банкка бутун кредит суммаси қайтарилигиндан, кредитдан фойдаланилганлик учун фоизлар, кредит ўз вақтида сўндирилмаганлиги учун муддати кечикирилган фоизлар, мазкур Шартнома шартларига асосан кредитни сўндириш санасида белгиланадиган жарималар тўланганидан ва қарз ундируви билан боғлик харажатлар ўрни тўлдирилганидан сўнг Қарз олувчининг мажбуриятлари тегишлича ва тўлиқ бажарилган ҳисобланади.

4.9. Кредитни сўндириш ҳисобварагига тушган ёки Қарз олувчининг Банкдаги ҳар қандай ҳисобваракларида пул маблағлари қўйидаги кетма-кетликка асосан қарзни сўндиришга қаратилади ёки ўтказилади:

- 1) асосий қарз бўйича муддати ўтган қарздорлик ва муддати ўтган фоиз тўловлари мутаносиб равишда;
- 2) жорий давр учун ҳисобланган фоизлар ва жорий давр учун асосий қарз бўйича қарздорлик;
- 3) неустойка (жарима, пеня);
- 4) кредиторнинг қарздорликни узиш билан боғлик бўлган бошқа харажатлари.

5. КРЕДИТ ҚАЙТАРИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ

5.1. Мазкур Шартнома бўйича тақдим қилинган кредит 3.1.4-бандга асосан кредит маблағлари ҳисобидан харид қилинадиган кўчмас мулк гарови (бундан бўён матнда – “Гаров предмети”) билан таъминланади;

5.2. Гаров предмети келишилган гаров нархи бўйича _____ (суммаси ҳарфлар билан ёзилади _____ сўм ____ тийин) сўм миқдорида қабул қилинади, бу кредит суммасининг энг камида ____ % миқдорини ташкил этади.

5.3. Гаровнинг муайян шартлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосан тегишли равиша расмийлаштирилган Гаров предметини гаровга қўйиш шартномасида белгиланади.

Бунда, нотариус томонидан тасдиқланишини ва/ёки давлат рўйхатидан ўтказилишини талаб қиласидан шартномалар улар нотариус томонидан тасдиқланган ва/ёки давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан тузилган ҳисобланади.

5.4. Қарз олувчи суғурта компанияси орқали Гаров предметини суғурталаш ва ушбу суғуртани мазкур Шартноманинг бутун амал қилиш даврида таъминлаш мажбуриятини олади. Суғурта ҳодисаси юз берганида Банк наф олувчи ҳисобланади.

5.5. Банк томонидан Банк маблағлари ҳисобидан суғурта мукофоти тўланган ҳолатда, Қарз олувчи З банк куни мобайнида Банкка суғурта мукофоти суммасини тўлаш мажбуриятини олади.

5.6. Кредит қайтарилишини таъминлашга доир ҳужжатларни тегишлича расмийлаштириш бўйича ҳар қандай харажатларни Қарз олувчи ўз зиммасига қабул қиласиди.

5.7. Қарз олувчи мажбуриятлари ижросининг бир неча таъминотлари мавжудлиги бир-бирига зид келмайди, мажбуриятлар ижросини таъминлашнинг ҳар бир усули мустақил ҳисобланади ва бир-бирига боғлиқ бўлмайди. Ундирувни мажбуриятлар ижросини таъминлаш усулларига қаратиш зарур бўлган ҳолларда, Банк танлов ҳукуқини сақлаб қолади, у ўз ихтиёрига кўра, мажбуриятлар ижроси таъминоти усулларидан исталган бирига ёки барча усулларига талабнома тақдим қилиши мумкин. Қарз олувчи кредит суммасининг энг камида ____ % миқдорида кредит таъминотини сақлаш мажбуриятини олади. Банк қўйидаги ҳолатларда Банкни қониқтирадиган қўшимча таъминотни талаб қилишга ҳақли:

- Қарз олувчининг молиявий ҳолати ёмонлашиши;
- ликвидлиги, қиммати ва хақиқийлиги йўқотилиши;
- бозор нархининг сезиларли камайиши;
- Шартнома бўйича тақдим қилинадиган кредит таъминотининг йўқ қилиниши, қисман ёки тўлиқ йўқотилиши;
- Қарз олувчи томонидан мазкур Шартнома бўйича мажбуриятлари бажарилмаслиги хавфини оширадиган бошқа омиллар пайдо бўлиши.

5.8. Қарз олувчи мазкур Шартнома шартларини бажармаган ва мазкур Шартнома бўйича белгиланган санада мазкур Шартнома шартларида белгиланган асосий қарзни, фоизлар ва/ёки кредит бўйича бошқа тўловларни амалга оширолмайдиган вазият юзага келган ҳолатда, Банк ундирувни мазкур Шартноманинг 5.1-бандидаги қайд этилган Гаров предметига сўзсиз ва қайтарилимас қаратиш ҳукуқини ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосан тақдим қилинган кредитни муддатдан олдин ундириш ҳукуқини олади.

5.9. Ундирув Гаров предметига (предметларига) ва/ёки унинг (уларнинг) бир қисмiga (қисмларига) қаратилган ҳолатда, Банк бир томонлама тартибда, ўз ихтиёрига кўра, биринчи навбатдаги ундирув объектини танлаш ёхуд ундирувни бир вақтнинг ўзида Гаров предметига (предметларига) қаратиш хукуқини ўзида саклаб қолади. Ундирувнинг Гаров предмети объектларидан бирига ва/ёки унинг (уларнинг) бир қисмiga (қисмларига) қаратилиши Банкни ундирувни бошқа Гаров предмети объектига (объектларига) ва/ёки унинг (уларнинг) бир қисмiga (қисмларига) қаратиша ҳам чеклаб кўймайди.

5.10. Мазкур Шартноманинг 3.4-бандида назарда тутилган ҳужжатлар кредит шартномаси имзоланган санадан эътиборан 30 (ўттиз) кундан кечикмай тақдим қилиниши керак.

5.11. Кредит берилиши кредит қайтарилиши таъминотини белгилайдиган ҳужжат(лар) белгиланган тартибда тўлиқ расмийлаштирилганидан ва Банк томонидан олинганидан ҳамда мазкур Шартнома бўйича бошқа дастлабки шартлар бажарилганидан сўнг амалга оширилади.

6. ТАРАФЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Банк қуйидагиларга ҳақли:

6.1.1. Қарз олувчи томонидан кредит қайтарилишини таъминлаш бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ҳолатда, унга кредит тақдим қилинишини тўлиқ ёки қисман рад этиш;

6.1.2. мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати жараёнида тегишли мониторингни амалга ошириш: Қарз олувчининг даромадлари тўғрисидаги маълумотлар асосида унинг тўлов қобилиятини, кредитдан фойдаланишини, тақдим қилинган таъминотни тегишлича саклаш, суғурталаниш, таъминот етарлилиги ва ликвидлиги юзасидан текшириш. Бундай текширувларни ўтказиш муддатлари Банк томонидан белгиланади;

6.1.3. Банк қуйидаги ҳолатларда Қарз олувчидан кредитнинг муддатдан олдин сўндирилишини (ҳисоблаб ёзилган фоизлар ҳисобга олинган ҳолда) ва келгуси берилиши тўхтатилишини талаб қилишга ҳақли:

а) Қарз олувчи томонидан мазкур Шартнома бўйича ўзига қабул қилинган мажбуриятлар бузилиши ва/ёки бажарилмаслиги ва/ёки тегишлича бажарилмаслиги;

б) агар Қарз олувчи кредит маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланмаса (белгиланган мақсаддан ташқари фойдаланса);

в) агар Қарз олувчи кредит олиш учун Банкка кредит тақдим қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун ҳал қилувчи ҳисобланган масалалар бўйича ёлғон ёки тўлиқ бўлмаган маълумотларни тақдим қилган бўлса;

г) кредитни қайтариш таъминотининг йўқотилиши ёки таъминот нархининг пасайиши;

д) Қарз олувчининг мазкур Шартноманинг 6.1.2-бандида белгиланган Банк ходимлари томонидан тегишли мониторинг ва банк текшируви ўтказилишини рад қилиши;

е) мазкур Шартнома шартларига мувофиқ асосий қарзни, фоизларни, комиссиялар ва/ёки кредит бўйича бошқа тўловларни ўз вақтида сўндирилмаслик;

ж) мазкур Шартнома имзоланган санадан эътиборан 30 (ўттиз) кундан сўнг Гаров шартномаси расмийлаштирилмаганлиги;

з) тўлов муддатлари келганида Қарз олувчи томонидан асосий қарзни сўндириш, фоизларни тўлаш бўйича ўз мажбуриятлари бажарилмаган ва/ёки тегишлича бажарилмаган ҳолатда, Банк Фуқаролик кодексининг 783-моддасига асосан Қарз олувчининг топшириғисиз (акцептсиз тартибда) керакли пул маблағларини чегириб олиш хукуқини ўзида саклаб қолади. Ушбу орқали Қарз олувчи Банкка мазкур Шартнома бўйича олинадиган тегишли суммани Қарз олувчининг барча ҳисобваракларидан унинг топшириғисиз акцептсиз тартибда сўzsиз ва қайтарилмас чегириб қолиш хукуқини беради;

и) мазкур Шартномада ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

6.1.4. Мазкур Шартноманинг 6.1.3-бандига мувофиқ, Банк талаблари бажарилмаган ҳолатда, Банкда ундирувни кредитни қайтариш таъминотига ва мазкур Шартнома шартларида Қарз олувчининг бошқа мулкига қаратиш хукуқи пайдо бўлади.

6.1.5. Мазкур Шартнома шартларига ва кредитни қайтариш таъминотига ва Қарз олувчи томонидан мазкур Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишига тегишли маълумотларни Кредит бюросига ва Гаров реестрига тақдим қилиш.

6.1.6. Мазкур Шартнома бўйича тўланадиган сумманинг Қарз олувчининг Банкдаги барча ҳисобваракларидан, пластик карталаридан ва бошқа банклардаги банк ҳисобваракларидан, шунингдек Қарз олувчининг ҳар қандай валюта ҳисобваракларидан (чегириб олиш санасида Марказий банкнинг валютани сотиш курси бўйича конвертация қилиш орқали) акцептсиз тартибда чегириб олинишини амалга ошириш.

6.1.7. Агар Қарз олувчи мазкур Шартнома тузилган пайтдан эътиборан 30 (үттиз) кун мобайнида мазкур Шартноманинг 5-бўлимида қайд этилган таъминотни тақдим қилмаган бўлса, мазкур Шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш, мўлжалланган бекор қилиш санасигача 5 (беш) кун олдин Қарз олувчини олдиндан хабардор қилиш.

6.1.8. Қарз олувчи томонидан мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажарилганлиги / бажарилмаганлиги тўғрисида маълумотларни, мазкур Шартнома билан боғлик бошқа ахборотни, шунингдек Банкнинг ахборот, реклама материаллари ва тижорат таклифларини Қарз олувчига унинг томонидан мазкур Шартномада кўрсатилган манзиллар / телефон рақамлари бўйича почта жўнатмалари, электрон алоқа воситалари, SMS-хабарлар орқали ёки ўзгача тарзда юбориш. Қарз олувчи юборилган хат-хабарлар учинчи шахсларга ошкор бўлиши билан боғлик барча хавф-хатарлар учун жавобгар бўлади.

6.2. Банк қўйидаги мажбуриятларни олади:

6.2.1. Қарз олувчига мазкур Шартноманинг 5-бўлимида белгиланган кредитни расмийлаштириш бўйича мажбуриятлар бажарилган пайтдан эътиборан мазкур Шартномада назарда тутилган шартларда ва тартибда кредитни тақдим қилиш;

6.2.2. Қарз олувчи томонидан кредит тўлиқ сўндирилганидан сўнг, Қарз олувчининг талабномасига кўра, гаров таъминоти предметига тақиқни олиб ташлаш учун тегишли органларга маълумотномалар тақдим қилиш.

6.3. Қарз олувчи қўйидагиларга ҳақли:

6.3.1. кредитдан фойдаланиш ҳолати тўғрисида ахборот олиш;

6.3.2. мазкур Шартномада назарда тутилган ҳажмларда, муддатларда ва шартларда кредит тақдим қилинишини талаб қилиш;

6.3.3. навбатдаги ва муддати кечикирилган тўловлар тўғрисида хабардор бўлиш бўйича Банк электрон сервисларидан фойдаланиш;

6.3.4. кредит бўйича қарзни тўлиқ микдорда ёки қисман муддатдан олдин сўндириш, бунда Банк мазкур Шартноманинг 4-бўлимига асосан, 1-сонли Илова бўйича амалдаги Кредитни сўндириш жадвали қайта ҳисоб-китоб қилинишини бажариш мажбуриятини олмайди;

6.3.5. ўз ихтиёрига кўра, мазкур Шартнома бўйича таъминот сифатида тақдим қилинадиган мулкни мустақил баҳолаш компаниясини, шунингдек ушбу мулкни суғурталаш учун суғурта компаниясини танлаш;

6.3.6. кредитни сўндириш учун маблағларни банк кассаси ёки бошқа банклар кассалари орқали банк ўтказмасини амалга ошириш орқали мобил иловалар, тўлов терминаллари (инфокиоскалар), тўлов тизимлари (Click, Payme ва ҳ.к.) орқали юбориш;

6.3.7. Шартнома тузилганидан сўнг, Банкни ёзма шаклда хабардор қилган ҳолда, Шартнома тузилган кундан эътиборан 2 (икки) ҳафта мобайнида кредит пул маблағлари берилгунгача кредит олишни бепул асосда рад қилиш.

6.4. Қарз олувчи қўйидаги мажбуриятларни олади:

6.4.1. мазкур Шартнома шартларида назарда тутилган тўловларни ўз вақтида амалга ошириш;

6.4.2. мазкур Шартнома бўйича мажбуриятлар ижросини таъминлайдиган шартнома(лар)да назарда тутилган вазифаларни тегишли равишда бажариш. Таъминот йўқотилган ёки бозор нархи пасайган ҳолатда, Қарз олувчи таъминотни тиклаш ёки тенг қийматли таъминотни тақдим қилиш мажбуриятини олади;

- 6.4.3. мазкур Шартнома шартларига асосан муддати кечиктирилган тўловлар тўғрисида Банқдан хабарнома / талабнома олинган ҳолатда, 5 (беш) календарь куни мобайнида қарз бўйича тўловни амалга ошириш: барча муддати кечиктирилган фоизлар суммасини, муддати кечиктирилган асосий қарз суммасини, шунингдек Банкнинг бошқа комиссия ҳақларини тўлаш;
- 6.4.4. тураг-жой манзили, иш жойи, фамилияси ёки исм-шарифи ўзгарганлиги ҳамда Қарз олувчи томонидан мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажарилишига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа вазиятлар тўғрисида Банкка 3 (уч) календарь куни мобайнида хабар бериш;
- 6.4.5. Банк томонидан кредит бериладиган пайтгача 3-бўлимга асосан бошланғич бадални тўлаш;
- 6.4.6. Банкка мазкур Шартнома доирасида кредит тақдим қилиш бутун муддатини қопладиган амал қилиш муддатли тегишли равишда расмийлаштирилган гаров предметини суғурталаш полисини тақдим қилиш;
- 6.4.7. кредит бўйича асосий қарзни муддатдан олдин сўндириш учун маблағлар мобил иловалар ёки тўлов тизимлари (Click, Raume ва x.k.), шунингдек банк ўтказмаси ёки банк кассаси орқали юборилган ҳолатда, Қарз олувчи Банкни кредитни сўндириш ҳисобварафига тўлов амалга оширилганидан сўнг қарз сўндирилганлиги тўғрисида хабардор қилиши шарт;
- 6.4.8. мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати мобайнида Банкнинг ёзма шаклдаги розилигисиз учинчи шахслар олдида ўзига жиддий мажбуриятлар олмаслик, яъни мазкур Шартнома бўйича мажбуриятлар ўз вақтида бажарилишига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа кредиторлардан кредитлар ва қарзлар олмаслик, бошқа шахсларга қарзлар бермаслик, учинчи шахслар кредиторлари олдида кафил бўлмаслик;
- 6.4.9. кредитдан мазкур Шартноманинг 3.1.4-бандида белгиланган мақсадларда фойдаланиш ва Банкка кредит мақсадларига асосан мулкни эгаликка олиш бўйича дастлабки хужжатларни тақдим қилиш;
- 6.4.10. мазкур Шартноманинг 5-бўлимига асосан Банк томонидан амалга оширилган харажатлар ўрнини тўлдириш.

7. ТАРАФЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

- 7.1.** Банк Қарз олувчи томонидан Кредит бўйича сўндирилмаган маблағлар қайтарилишини, барча ҳисоблаб ёзилган фоизлар тўланишини, шунингдек Қарз олувчи томонидан Банкка етказилган барча заарлар ва чиқимлар ўрни тўлдирилишини талаб қилишга ҳақли.
- 7.2.** Қарз олувчи томонидан талабномада белгиланган муддатдан эътиборан 30 (үттиз) кун мобайнида талабномалар тегишли равишда бажарилмаган ҳолатда, Банк судга мурожаат қилишга ҳақли.
- 7.3.** Тарафларнинг мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига асосан қўлланилади.
- 7.4.** Қарз олувчи томонидан Гаров шартномаси, Суғурталаш шартномаси ва Гаров предметини суғурталаш полиси ўз вақтида расмийлаштирилмаганлиги ва/ёки мазкур Шартноманинг 5-бўлимида назарда тутилган муддатларда ва шартларда тақдим қилинмаганлиги учун Банк ўз вақтида расмийлаштирилмаган таъминот суммасининг муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,1% миқдорида, бироқ ўз муддатида расмийлаштирилмаган таъминот суммасининг 10 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня ундиришга ҳақли.
- 7.5.** Банк Қарз олувчининг қарз суммаларини қайтариш мақсадида йиллик қарз миқдорининг ярмидан кўп бўлмаган суммада фоизлар, пенялар, неустойка ҳисоблаб ёзиш ва ундиришга, шунингдек Банк томонидан амалга оширилган харажатлар, барча заарлар ва чиқимлар Қарз олувчи томонидан тўланишини талаб қилишга ҳақли.
- 7.6.** Неустойканинг тўланиши Тарафларни уларга юклатилган мажбуриятлар бажарилишидан ёки қоида бузилишлар бартараф этилишидан озод қилмайди.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур Шартнома туфайли ёки у билан боғлиқ юзага келадиган барча низоларни Тарафлар икки томонлама музокаралар орқали ҳал қилишга интиладилар. Тарафлар ўзаро келишувга эришмаган ҳолатда, улар ўртасидаги низо Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Банк жойлашган манзил бўйича умумий юрисдикция судида ёки суддан ташқари / судгача тартибда, шу жумладан нотариал тасдиқланган ижро варақасини олиш орқали ҳал қилинади. Нотариал тасдиқланган ижро варақасини олиш орқали қарз ундириб олинишида, Қарз олувчи муқаррар тартибда нотариал тасдиқланган ижро варақаси ҳақиқийлигини эътироф қилади.

9. ФОРС-МАЖОР

9.1. Тарафлар мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларининг бажарилмаганлиги ёки тегишлича бажарилмаганлиги мазкур Шартнома тузилганидан сўнг Тарафлар на олдиндан билишлари, на оқилона чоралар билан бартараф этишлари мумкин бўлмаган фавқулодда хусусиятли ҳодисалар натижасида юзага келган енгиб бўлмас куч вазиятлари (форс-мажор) юз бериши оқибати эканлигини ва Тарафлар томонидан ўз вазифаларини тегишлича ижро этиш бўйича уларга боғлиқ барча чоралар кўрилганлигини исботлаган ҳолатда, ушбу мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки тегишлича бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлмайдилар. Бундай форс-мажор вазиятлари, жумладан, қуидагилардан иборат: уруш ҳаракатлари, табиат кучлари таъсири (зилзила, тошқин ва ҳ.к.), пандемия, давлат органлари қарорлари.

9.2. Форс-мажор вазиятлари бошланганлиги тўғрисида Тарафлар бир-бирларини форс-мажор вазиятлари бошланган пайтдан эътиборан 5 (беш) иш куни мобайнида ёзма шаклда хабардор қилишлари керак.

9.3. Форс-мажор вазиятлари юзага келган ҳолатда, мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати бундай вазиятлар ва уларнинг оқибатлари амал қиладиган давр мобайнидаги муддатга ўтказилади.

10. БОШҚА ШАРТЛАР

10.1. Мазкур Шартномада назарда тутилмаган ҳолатларда Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига амал қиласилар.

10.2. Мазкур Шартнома шартларини ўзгартириш, шу жумладан амал қилиш муддатини узайтириш Тарафларнинг кўшимча ёзма шаклдаги келишувига асосан амалга оширилади, мазкур Шартноманинг 6.1.3-бандида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно. Қарз олувчи томонидан Банкка мазкур Шартнома шартларини ўзгартариш юзасидан мурожаат қилинган ҳолатда, Қарз олувчи мурожаат қилиш пайтида ҳеч қандай тўлов муддати кечикирилган қарздорликка эга бўлмаслиги ва актив “Стандарт” таснифи мақомига эга бўлиши керак.

10.3. Мазкур Шартнома Тарафлар томонидан имзоланган кундан эътиборан кучга киради ва Тарафлар томонидан мазкур Шартнома бўйича барча мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунгача амал қиласилади.

10.4. Қарз олувчи вафот этган ҳолатда, унинг барча ҳуқуqlари ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда унинг меросхўрларига ўтказилади.

10.5. Мазкур Шартнома Банк ва Қарз олувчи учун бир нусхадан икки нусхада тузилган. Ҳар икки нусхаси бир хил юридик кучга эга.

10.6. Ушбу орқали Қарз олувчи Банкка қуидаги ҳаракатларни амал ошириш учун қайтарилмас, сўзсиз ҳуқуқ ва розилик беради:

а) Банк томонидан «Кредит-ахборот таҳлил маркази» Кредит бюросига ва/ёки Банклараро кредит бюросига (Кредит бюросига ва Гаров реестрига) Шартнома шартларига доир маълумотларнинг тақдим қилиниши;

б) Қарз олувчининг мазкур Шартнома бўйича мажбуриятлари ижросига тегишли масалалар бўйича Банкка маълум бўлган Қарз олувчи, унинг хотини (эри), шунингдек қариндошлари, Қарз олувчининг иш берувчилари телефон рақамларига телефон кўнгироқларини амалга ошириш, уларнинг манзиллари (реквизитлари) бўйича хатлар,

электрон ва SMS хабарлар юбориши;

в) Қарз олувчининг мазкур Шартнома бўйича мажбуриятлари ижросига тегишли масалалар бўйича Қарз олувчи, унинг хотини (эри), шунингдек қариндошлари, Қарз олувчининг иш берувчилари билан музокаралар (учрашувлар) ўтказиш;

г) Қарз олувчининг даромадлари тўғрисидаги маълумотларни иш берувчиларидан расмий талаб қилиш, иш берувчиларга Қарз олувчига кредит бўйича қарзни сўндириш учун тегишли пул маблағларини (иш ҳақи, нафақа ва ҳ.к.) юбориш талабномаси билан мурожаат қилиш.

Бунда, юқорида қайд этилган ҳаракатларнинг Банк томонидан амалга оширилиши банк сирини ошкор қилиш хисобланмайди.

11. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ, БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ:

БАНК
«TENGE BANK» АТБ

Манзили:

МФО: _____

СТИР: _____

ОКЭД: _____

Тел.: _____

e-mail: info@tengebank.uz

Лавозими _____

Ф.И.Ш. _____

Имзо _____

ҚАРЗ ОЛУВЧИ

Ф.И.Ш.:

Манзили:

Паспорт маълумотлари:

СТИР:

Тел.: +998 _____

e-mail:

Пластик карты
8600 _____

рақами

Шартнома билан танишиб чиқдим ва розиман.

(Қарз олувчининг Ф.И.Ш. ва имзоси)

**Иккиламчи бозордан кўп квартирали турар-жойда квартира харид қилиш учун
ипотека кредитини тақдим қилиш тўғрисида ___-___-сонли Шартномага
1-сонли Илова**

Кредитни / муддатли мажбуриятни сўндириш жадвали

т/р	Сўндириш санаси	Кредит қолдиғи	Асосий қарзни сўндириш жадвали	Прогноз фоизларни сўндириш жадвали	Жами сўндириш
1					
2					
3					
4					
5					
6					
7					
8					
9					
10					
11					
12					
13					
14					
15					
16					
17					
18					
19					
20					
21					
22					
23					
24					
25					
26					
27					
28					
29					
30					
31					
32					
33					
Жами:					

«БАНК»

Лавозими _____

Ф.И.Ш. _____

Имзо _____

«КАРЗ ОЛУВЧИ»

Ф.И.Ш. _____

Имзо _____

М.Ү.

Кредитни сўндириш учун хисобварак рақами:

ID-кредит рақами: _____

Банк _____

Карз олувчи _____